SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

O'ZBEKISTON OVOZI

• 2017-yil, 23-fevral. Payshanba • 24 (32.239) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУД ТИЗИМИ ТУЗИЛМАСИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири суд тизимини изчил демократлаштириш, суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормаларга қатъий риоя этилишини таъминлаш ҳисобланади.

Ўтган йиллар давомида судни ҳокимиятнинг мустақил ва алоҳида тармоғи сифатида ташкил этиш, уни ўтмишдаги жазолаш органидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилувчи ҳамда ишончли ҳимоя қилувчи давлатнинг чинакам мустақил институтига айлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тартибини янада такомиллаштириш зарур. Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси аниқ ҳуқуқий мақомга эга эмас, ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади ва чекланган ваколатларга эга.

Бундан ташқари, суд ҳокимиятининг икки олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судининг мавжудлиги суд тизимини бошқариш вазифаларининг такрорланишига, ягона суд амалиёти таъминланмаслигига олиб келмоқда.

Ҳарбий суд судьяларининг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига киритилганлиги, адлия органлари томонидан умумий юрисдикция судлари фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш тартиби суд ҳокимиятининг мустақиллиги тамойилига мувофиқ келмаяпти.

Судлар тизимининг амалдаги тузилмаси ва штат бирлиги хизмат вазифаларини оқилона тақсимлаш имконини бермаяпти, бу эса уларни замон талабларини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш ва мақбуллаштиришни талаб этади.

Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларининг ишончли суд ҳимоясини таъминлаш, маъмурий суд иш юритувини амалга ошириш бўйича конституциявий нормани, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш зарурати маъмурий судлар тизимини ташкил этишни тақозо этмоқда.

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самарадорлиги ва нуфузини ошириш, судлар тузилмасини ҳамда судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Судьялар ҳамжамиятининг органи ҳисобланадиган ва Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашадиган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши (кейинги ўринларда — Кенгаш) ташкил этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тугатилиб, унинг 21 нафар бўшаётган ижро аппарати штат бирлиги Кенгашга ўтказилсин.

3. Қуйидагилар Кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

судьялик лавозимларига номзодларни танлов асосида танлаш, малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан судьяларни тайинлаш, шунингдек, раҳбар судьялик лавозимларига кўрсатиш учун тавсия бериш йўли билан судьялар корпусини шакллантириш;

судьялар дахлсизлиги бузилишининг ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашишнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

судьяларни касбий тайёрлаш, малакасини оширишни ташкил этиш, уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш, шунингдек, судьяларни рағбатлантириш бўйича ташаббус кўрсатиш;

оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик олиб бориш, аҳоли билан мулоқотни йўлга қўйиш, судьялар томонидан одобахлоқ қоидаларига риоя этилиши масалалари бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;

суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ва ягона суд амалиётини таъминлаш, одил судловга эришиш даражасини ва уни амалга ошириш сифатини яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш, шунингдек, уларни жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортишга хулоса бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш.

4. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва Олий судининг раислари, раис ўринбосарлари, судьялари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан сайланади;

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раислари ва раис ўринбосарлари Кенгашнинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, туман (шаҳар), туманлараро судлари судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Кенгаш томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини бошқарув ходимлари чекланган сони 21 нафар бўлган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш бўйича тадқиқот маркази сифатида ўзгартириш ҳақидаги таклифи маъқулласин.

6. Кенгаш таркибини шакллантиришнинг қуйидаги тартиби белгилансин, унга кўра:

Кенгаш раиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан тайинланади;

ўн бир нафар аъзо Кенгаш раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Кенгаш аъзоси лавозимидаги даврида судьялик мақоми сақланган ҳолда судьялар орасидан тасдиқланади;

тўққиз нафар аъзо Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассислар орасидан тасдиқланади.

7. Доимий асосда ишловчи Кенгаш аъзоларига судьялар учун белгиланган кафолатлар, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари ва имтиёзлар татбиқ этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди ва Мудофаа вазирлигининг 2017 йил 1 июндан:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судини бирлаштириш, фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий судини ташкил этиш;

оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларини, туман (шаҳар) маъмурий судларини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг 159 та штат бирлигини қисқартириш ва Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг қўриқлаш взводини тугатиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, округ ва ҳудудий ҳарбий судлар штат бирликларини судьялар ва ҳарбий судлар ходимларидаги ҳарбий хизматчилар ҳуқуқий мақоми, шу жумладан, ҳарбий хизматчилар учун белгиланган ҳуқуқ, имтиёз ва афзалликлар сақланмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди тизимига ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ҳарбий ҳайъатини тугатиб, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатини ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари этиб ўзгартириш;

ишларни биринчи инстанцияда кўриб чиқишга ваколатли бўлган 71 та туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судларини ташкил этиш;

амалдаги суд мажлиси котиби лавозимини тугатиб, белгиланган умумий штат бирлиги доирасида судларнинг тузилмаларига судья катта ёрдамчиси, ёрдамчиси лавозимларини киритиш, уларга тегишли равишда Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг 10 —12 ва 8 разрядларини белгилаш тўғрисидаги таклифлари маъқулласин.

Белгилаб қўйилсинки, хўжалик судларининг амалдаги судьялари ваколат муддати тугагунига қадар Олий суд ва тегишли Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судларининг судьялари сифатида ўз фаолиятини амалга оширишни давом эттирадилар.

9. Янгидан ташкил этилаётган судларни тўлдириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган бошқарув ходимларининг қўшимча 560 та штат бирлиги, шу жумладан, 318 та судьялик штат бирлиги ажратилсин.

Бошқарув ходимлари сонининг чекланган штати қуйидаги миқдорларда белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди учун 168 та бирлик, шундан судьялар — 67 та бирлик;

фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари учун 313 та бирлик, шундан судьялар — 108 та бирлик, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари учун 654 та бирлик, шундан судьялар — 252 та бирлик;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари учун 128 та бирлик, шундан судьялар — 58 та бирлик, туман (шаҳар) маъмурий судлари учун 408 та бирлик, шундан судьялар — 204 та бирлик;

► Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИГИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, аввало, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, инсон манфаатларининг тўлақонли ҳимояси ҳамда қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистон фуқароликка қабул қилиш борасида ҳам қонунийлик, инсонпарварлик ва ижтимоий бағрикенглик тамойилларига асосланган ҳолда инсон манфаатларига риоя қилинишини таъминлаш чора-тадбирларини тизимли равишда амалга ошириб боради.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси демократик қадриятлар ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойилларига содиқлигини намоён этиб, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ғоялари асосида ҳар бир инсоннинг фуқароликка бўлган ҳуқуқлари амалга оширилишини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий ҳолати, ирқи, миллати, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати ҳамда сиёсий ва бошқа эътиқодидан қатъий назар, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонун кучга кирган вақтда турли объектив ва бошқа ҳаётий шароитларга кўра мамлакат ташқарисида бўлган маҳаллий аҳоли, шунингдек, бошқа мамлакатларда туғилиб-ўсиб, Ўзбекистонни ўз Ватани сифатида дилдан тан олган, унинг тараққий этиши ва гуллаб-яшнаши учун муносиб ҳисса қўшганлар қабул қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 22-банди, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17, 30-моддаларига мувофиқ:

1. Қуйидаги шахсларнинг аризалари қаноатлантирилсин ва улар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинсин:

1) **Абарова Насиба Гуламжановна,** 1965 йил 28 октябрда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

2) **Абдуллаева Данахан Хабибуллаевна**, 1972 йил 19 январда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

3) **Абдуллаева Умида Рисметовна**, 1985 йил 6 августда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

4) **Абдурахманова Кизилай,**1954 йил 21 февралда Жиззах вилоятида туғилган, қирғиз, Жиззах вилоятида яшайди;

5) **Агалиева Жанигул Хамзаевна**, 1968 йил 11 сентябрда Қирғизистон Республикасида туғилган, озарбайжон, Тошкент шаҳрида яшайди;

6) **Айметов Уйғун Ташматович,** 1970 йил 6 ноябрда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

7) **Алвердиева Лейля Ихтияровна,** 1990 йил 30 июлда Жиззах вилоятида туғилган, ўзбек, Жиззах вилоятида яшайди;

8) **Анаркулов Фаррух Авазханович,** 1986 йил 9 июнда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

9) **Анаркулова Мариям Максумовна,** 1960 йил 5 мартда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

10) **Аскарова Гавхарой Азимжановна,** 1971 йил 14 октябрда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

11) **Атабаева Мастура Хамировна,** 1971 йил 22 апрелда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди;

12) **Ахмедов Джахонгир Ахмедович**, 1983 йил 28 августда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

13) **Аюшева Зинаида Александровна**, 1953 йил 14 июнда Қозоғистон Республикасида туғилган, рус, Тошкент шаҳрида яшайди;

14) **Бабаева Зилола Джумабаевна,** 1975 йил 15 мартда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

15) **Бадалбаева Дильбар Патхуллаевна,** 1968 йил 27 майда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Муроджон исмли ўғли билан Тошкент шаҳрида яшайди;

16) **Баймуратова Кибриё Саидмуратовна,** 1968 йил 2 июнда Тошкент вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди;

17) **Бухаидзе Игорь Шалвович**, 1971 йил 28 ноябрда Тошкент шаҳрида туғилган, грузин, Тошкент шаҳрида яшайди;

18) **Васильева Ольга Сергеевна**, 1976 йил 28 апрелда Қозоғистон Республикасида туғилган, рус, Тошкент шаҳрида яшайди;

19) **Гафуров Бахтиёр Валиджонович,** 1973 йил 16 апрелда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Баҳодиржон исмли ўғли ва Лайлохон исмли қизи билан Тошкент вилоятида яшайди;

20) **Демьяненко Вероника Анатольевна**, 1984 йил 12 октябрда Тошкент шаҳрида туғилган, украин, Тошкент шаҳрида яшайди;

21) **Демьяненко Роза Дмитриевна**, 1958 йил 27 майда Тошкент шаҳрида туғилган, рус, Тошкент шаҳрида яшайди;

22) **Джаббаров Атабек Кучкарович,** 1969 йил 12 июнда Хоразм вилоятида туғилган, ўзбек, Хоразм вилоятида яшайди;

23) **Ерназаров Фахритдин Тулкунович,** 1961 йил 23 декабрда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

24) **Заидова Ибадат Сайдиганиевна,** 1957 йил 19 июнда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

25) **Ибрагимов Рашит Ушурович,** 1963 йил 1 январда Қозоғистон Республикасида туғилган, уйғур, Тошкент шаҳрида яшайди;

26) **Ибрагимова Зулфия Юнусовна**, 1989 йил 18 октябрда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

27) **Ибрагимова Сайара Темирбаевна,** 1973 йил 16 ноябрда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

28) **Иргашев Икром Абдувахабович**, 1973 йил 1 октябрда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

29) **Ирисбекова Махбуба Тожиметовна,** 1972 йил 1 июнда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

30) **Исманова Барна Миргамировна**, 1971 йил 22 майда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

31) **Кабилов Шавкат Исламович**, 1964 йил 16 февралда Жиззах вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

► Давоми 3-бетда.

«Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танлови

Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

Истиқболли лойиҳалар тақдим этилди

«Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танловининг Сирдарё вилоят босқичи кўтаринки руҳда ўтди.

— Мирзаобод туман Кенгаши депутати бўлганим учун фаолиятим давомида кўплаб хотин-қизлар билан учрашаман, уларнинг фикр-мулоҳазалари, таклифларини эшитаман, — деди танловнинг Сирдарё вилоят босқичи иштирокчиси Барно Жумаева. — Турли ташкилотлар ҳамкорлигида уларни ўйлантираётган муаммоларга ечим топишга ҳаракат қиламиз. Танловда қатнашиб, билимимни орттирганимдан хурсандман.

► Давоми 3-бетда.

HARAKATLAR STRATEGIYASI
2017-2021

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари олдида турган устувор вазифалар белгилаб олинди. Бу жараёнда Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи устувор йўналиши — ижтимоий соҳани ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Мухбирларимиз йиғилиш қатнашчилари билан Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ҳамда уларнинг аҳамияти ҳақида суҳбатлашди.

O'ZBEKISTON OVOZI
● 2017-yil, 23-fevral. Payshanba ● 24 (32.239)-son
www.uzbekistonovozi.uz info@uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУД ТИЗИМИ ТУЗИЛМАСИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари учун 326 та бирлик, шундан судьялар — 115 та бирлик, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари учун 898 та бирлик, шундан судьялар — 321 та бирлик;

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, ҳудудий ҳарбий судлар учун 28 та бирлик, шундан судьялар — 10 та бирлик;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари учун 117 та бирлик, шундан судьялар — 59 та бирлик, туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари учун 433 та бирлик, шундан судьялар — 181 та бирлик.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти (кейинги ўринларда — Олий суд ҳузуридаги Департамент):

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш бўлинмаларининг 51 та бошқарув ходими штат бирлигини ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судлари судьялари ҳарбий хизматчи мақомини йўқотганлиги муносабати билан давлат бюджети маблағлари тежалиши ҳисобига 17 та бошқарув ходими штат бирлигини киритиш йўли билан ташкил этилсин.

Олий суд ҳузуридаги Департаментнинг чекланган сони 68 та бирлик, шу жумладан, марказий аппаратда — 12 та бирлик, ҳудудий бўлимларда — 56 та бирлик миқдорида белгилансин.

11. Олий суд ҳузуридаги Департаментнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

◄ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш бўйича ишни ташкил этиш, шунингдек, уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

суд биноларини қуриш ва таъмирлаш учун ажратилган маблағларнинг самарали сарфланишини таъминлаш, судлар фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирларни кўриш;

судьялар ва суд аппарати ходимларининг меҳнат шароитларини, моддий ва ижтимоий таъминотини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

12. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг тузилмаси, штат жадвали, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши аъзолари ва ижро аппарати ходимларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатига ҳақ тўлаш разряддлари 1—3-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тузилмаси 4-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти марказий аппаратининг тузилмаси, унинг ҳудудий бўлимларининг намунавий тузилмаси 5—6-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судлари тизимининг ташкилий-штат тузилмаси, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг тузилмаси 7—8-иловаларга мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, шунингдек, туман (шаҳар) маъмурий судларининг намунавий тузилмалари 9—10-иловаларга мувофиқ;

фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг намунавий тузилмалари 11—12-иловаларга мувофиқ;

жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, шунингдек, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг намунавий тузилмалари 13—14-иловаларга мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари, туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судларининг намунавий тузилмалари, туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судларининг юрисдикция ҳудудлари 15—17-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисига зарур ҳолларда бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида тегишли судларнинг тузилмаларига Кенгаш билан келишилган ҳолда ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги уч ой муддатда:

ҳарбий судлар тузилмалари қайта кўриб чиқилиши муносабати билан қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судларининг барча шахсий таркибини ҳақиқий ҳарбий хизматдан бўшатиш масаласи бўйича қарор қабул қилсин;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, округ ва ҳудудий ҳарбий судлар томонидан фойдаланилаётган бинолар, хизмат турар жойлари, транспорт воситалари, мебеллар, компьютер техникалари ва бошқа мулкларни Ўзбекистон Республикаси Олий судига белгиланган тартибда ўтказилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий суди:

Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда «Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш бўйича тадқиқот маркази ҳақидаги низом, унинг тузилмаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорлари лойиҳалари ишлаб чиқилиши ва киритилишини;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда илғор хорижий тажрибани чуқур ўрганиш асосида суд ва бошқа юридик кадрларни касбий тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини оширишнинг ягона тизимини яратиш бўйича таклиф киритилишини;

Кенгаш билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Олий судини, янгидан ташкил этилаётган судларни юқори малакали кадрлар билан, биринчи навбатда, мазкур Фармонга мувофиқ лавозими қисқартирилаётган судьялар ва суд ходимлари ҳисобидан тўлдирилишини;

янгидан ташкил этилаётган судлар, шунингдек, Олий суд ҳузуридаги Департамент ва унинг ҳудудий бўлимлари жойлаштирилишини, мебель, компьютер техникаси ва алоқа воситалари билан жиҳозланишини;

Бош прокуратура ва Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар, шу жумладан, маъмурий судлар ташкил этилиши муносабати билан фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар, янгидан ташкил этилаётган иқтисодий судлар ваколатларини қайта кўриб чиқиш, шунингдек, судларнинг апелляция ва кассация инстанциялари қўйи турувчи суднинг қарорини ўзгартирган ёки бекор қилган тақдирда ишни янгидан кўриб чиқишга юбормасдан туриб, якуний қарор чиқариш бўйича ваколатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилишини ва киритилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан биргаликда бир ой муддатда янгидан ташкил этилаётган судларнинг жойлаштирилишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Адлия вазирлиги ва Мудофаа вазирлиги билан биргаликда тегишли судларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларининг тасдиқланиши ва рўйхатдан ўтказилишини, шунингдек, ҳарбий судларни таъминлаш учун ажратиладиган пул маблағларининг қисқаришини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг харажатлар сметасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини таъминласин;

Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасининг кузатув кенгаши билан биргаликда янгидан ташкил этилаётган судлар, шунингдек, Олий суд ҳузуридаги Департамент ва унинг ҳудудий бўлимлари жойлаштирилиши, мебель, компьютер техникаси ва алоқа воситалари билан жиҳозланиши ҳамда хизмат кўрсатувчи ходимларини таъминлаш учун зарур бўлган молиявий маблағларнинг Жамғарма ҳисобидан ажратилишини таъминласин;

ушбу Фармонни амалга ошириш билан боғлиқ сарф-харажатлар 2017 йилда ажратилсин, 2018 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида молиялаштириш учун зарур бўлган бюджет маблағлари ажратилишини назарда тутсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан биргаликда уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Олий судини ушбу Фармон вазифалари ва талабларига мос келадиган маъмурий бинога жойлаштириш бўйича таклифлар киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Олий суд билан биргаликда уч ой муддатда судлар фаолиятида замонавий технологиялардан фойдаланиш ҳолатини танқидий ўргансин ҳамда суд тизими фаолияти самарадорлигини ва аҳолининг одил судловга эришиш даражасини оширишга қаратилган ахборот тизимлари ва ресурсларини янада такомиллаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар Дастурини тасдиқлаш ҳақидаги тегишли ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

19. Мазкур Фармонда назарда тутилган чора-тадбирларнинг самарали, сифатли ва ўз вақтида бажарилишини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ—4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони билан ташкил этилган Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича Комиссия зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 21 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига
Ш А Р Ҳ

Суд тизимининг босқичма-босқич демократлаштирилиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қиладиган суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий тамойилга қатъий риоя этилиши мамлакатда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар орасида марказий ўринни эгаллайди.

Жумладан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтириш, уларнинг одил судловга эришиш даражасини, суд иш юритувининг самарадорлиги ва сифатини ошириш, номзодларни танлаш ва судьялик лавозимига тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим йўналишлари сифатида мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонинг қабул қилиниши қайд этилган вазифаларни амалга оширишдаги муҳим қадам бўлиб, мазкур соҳадаги давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди.

Фармонга мувофиқ, номзодларни танлаш ва судьялик лавозимига тайинлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, судьяларнинг мазкур жараёндаги иштирокини кенгайтириш, юқори малакали судьялар корпусини шакллантириш учун масъул бўлган органнинг мақоми ҳамда ваколатларини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди.

Судьялар олий кенгаши судьялар ҳамжамияти органи сифатида суд ҳокимиятининг мустақиллиги ҳақидаги конституциявий принципга риоя этилишини таъминлашга кўмаклашади. Судьялар олий кенгаши унинг таркибида Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимномасига биноан Сенат томонидан тасдиқланадиган Кенгаш раиси ва кўпчиликни ташкил этувчи судьялар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва ҳуқуқ соҳасидаги малакали мутахассислар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган 20 нафар аъзодан иборат бўлади. Судьялар олий кенгашининг 13 нафар аъзоси доимий, 8 нафар аъзоси эса жамоатчилик асосида ўз фаолиятини амалга оширади.

Судьялар олий кенгашига судьялик лавозимларига малакали мутахассислар орасидан очиқ ва шаффоф танлов асосида судьялар корпусини шакллантириш, судьялар даҳлсизлиги бузилишини ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашишларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўриш, номзодлар ва судьяларнинг касбий тайёргарлигини ташкил этиш, аҳоли билан мулоқотни йўлга қўйиш вазифалари юклатилган.

Судьялар олий кенгашига Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди судьялари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раисларидан ташқари барча судьяларни Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда лавозимларга тайинлаш ва лавозимлардан озод этиш бўйича ваколатлар ўтказилмоқда.

Суд амалиётини тизимли таҳлил қилиб бориш, уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш бўйича тадқиқот маркази сифатида ўзгартирилмоқда.

Фармондаги яна бир аҳамиятли жиҳат — Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судининг фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасида суд ҳокимиятининг ягона олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштирилиши бўлди. Ушбу ислоҳот суд тизимини бошқаришдаги бир-бирини такрорловчи функцияларни бартараф этишга ҳамда ягона суд амалиётини шакллантиришга олиб келади.

Суд ҳокимияти икки олий органининг параллел фаолият юритиши қонун ҳужжатлари талабларини бир хилда қўлланишини таъминлай олмади, бир-бирига ўхшаш масалалар юзасидан турлича қарорлар қабул қилинишига олиб келди.

Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган янги суд тизимининг шакллантирилиши алоҳида аҳамият касб этади.

Илк маротаба давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан фуқароларнинг судга шикоят қилиш ҳуқуқининг конституциявий кафолатларини амалга оширишни таъминлашга хизмат қиладиган Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, туман (шаҳар) маъмурий судлари ташкил этилди.

Ҳозирги кунга қадар давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятларни кўриб чиқиш Фуқаролик ва Хўжалик процессуал кодексларига мувофиқ фуқаролик ишлари бўйича судлар ва хўжалик судлари томонидан, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар эса Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мувофиқ жиноят ишлари бўйича судлар томонидан амалга оширилаётган эди.

Эндиликда ушбу тоифадаги ишлар янги ташкил этилаётган маъмурий судлар томонидан кўрилади. Шу билан бирга, маъмурий ишларни кўриб чиқишнинг процессуал тартибини белгилаш, давлат органлари фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга оширишнинг замонавий тартиб-таомилларини жорий этишга қаратилган «Маъмурий суд иши юритуви тўғрисида»ги ва «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари ишлаб чиқилади.

Замонавий талаблардан келиб чиқиб, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Фармон билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари тегишли иқтисодий судлар этиб ўзгартирилди. Бунда мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ва тадбиркорлик субъектларининг ортиб боришини ҳисобга олган ҳолда туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари ташкил этилмоқда.

Туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судларини ташкил этиш зарурати хўжалик судларининг фақат вилоят даражасида фаолият кўрсатганлиги билан боғлиқдир. Айрим туманлар суд биносидан узоқ масофада жойлашганлиги сабабли тадбиркорлар даъво аризасини берган пайтдан низо судда кўриб чиқилгунига қадар вилоят марказига бир неча маротаба қатнашга мажбур бўлаётган эди. Бу эса уларнинг моддий харажат ва ортиқча вақт сарфлашларига сабаб бўлаётган эди.

Умуман олганда, ташкил этиладиган маъмурий ва иқтисодий судлар жойлашуви узоқ ҳудудларда истиқомат қиладиган фуқароларнинг, шу жумладан, тадбиркорларнинг суд ҳимоясига эришиш даражасини оширади.

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги принципига риоя қилиш, судларни моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш масалаларини мустақил ҳал этиш мақсадида Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ташкил этилди ва унга судларни моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш, судлар фаолияти учун зарур шароитларни яратиш, меҳнат шароитларини яхшилаш, судьялар ва суд аппарати ходимларини моддий ва ижтимоий таъминлашни ташкил этиш вазифаси юклатилди.

Ҳарбий судларнинг штат бирликлари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди тизимига ўтказилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ваҳоланки, ҳарбий судьяларнинг Мудофаа вазирлиги штатига киритилганлиги ушбу вазирлик ижро ҳокимияти органи ҳисобланиши туфайли суд ҳокимияти мустақиллигининг, унинг фаолиятини ташкил этишнинг асосий тамойилларига мувофиқ келмайди.

Фармонда судлар фаолияти самарадорлигини ошириш ва суд кадрлари захирасини тайёрлаш учун судлар тузилмасига судья ёрдамчиси, судья катта ёрдамчиси лавозимларини киритиш назарда тутилди.

Судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, суд тизими самарадорлиги ва фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, ҳукумат томонидан ушбу йўналишдаги амалий чора-тадбирлар Дастури тасдиқланиши зарурлиги белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, Фармонда назарда тутилган талабларни амалга ошириш бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Хўжалик процессуал, Фуқаролик процессуал кодексларига, «Судлар тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни талаб этади.

Умуман олганда, Фармонда одил судлов соҳасидаги замонавий талаблар ва халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш ва мақбуллаштириш бўйича тарихий ўзгаришлар назарда тутилган.

Суд тизими тузилмасининг тубдан такомиллаштирилиши аввало инсон ҳуқуқлари ҳимоясига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИГИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

32) **Кадиров Икрамжон Анваржанович**, 1971 йил 25 июнда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

33) **Ким Лариса**, 1956 йил 7 майда Тошкент вилоятида туғилган, корейс, Тошкент шаҳрида яшайди;

34) **Княжева Олеся Олеговна,** 1989 йил 30 июлда Тошкент шаҳрида туғилган, рус, Тошкент шаҳрида яшайди;

35) **Кодирова Махигул Абутовна,** 1969 йил 23 июлда Қозоғистон Республикасида туғилган, уйғур, Фарғона вилоятида яшайди;

36) **Курбанова Барно Миралиевна**, 1958 йил 8 январда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

37) **Мавриди Панайот Антонович,** 1938 йил 13 мартда Украинада туғилган, грек, Фарғона вилоятида яшайди;

38) **Мадраимова Умида Фархадовна,** 1985 йил 19 июлда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

39) **Мамаджанова Тахмина Джумабоевна,** 1986 йил 21 декабрда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

40) **Маманов Нодиржон Олимжонович,** 1984 йил 5 июнда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

41) **Маткаримова Бибимариям Ахметжановна,** 1974 йил 10 июлда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

42) **Миразизова Феруза Сламкуловна,** 1973 йил 27 апрелда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

43) **Мирохмедов Мирвали,** 1948 йил 8 июлда Тошкент вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

44) **Миррахимова Дилафруз Абдукаримовна,** 1986 йил 5 майда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

45) **Мисюра Варвара Владимировна,** 1986 йил 22 апрелда Тошкент шаҳрида туғилган, рус, Тошкент шаҳрида яшайди;

46) **Муминов Неъматилло Раҳмонович,** 1963 йил 7 ноябрда Навоий вилоятида туғилган, ўзбек, Навоий вилоятида яшайди;

47) **Муминова Мафтуна Неъматиллаевна,** 1990 йил 8 апрелда Навоий вилоятида туғилган, ўзбек, Навоий вилоятида яшайди;

48) **Мураметов Анваржон Каримович,** 1981 йил 7 июнда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

◀ *Давоми. Бошланиши 1-бетда.*

49) **Мурзахметов Усан Жорашович,** 1988 йил 28 январда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

50) **Муродова Гулноз Насиридиновна,** 1967 йил 4 апрелда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Фарғона вилоятида яшайди;

51) **Набиева Гули Джамаловна,** 1963 йил 16 ноябрда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

52) **Назарханов Фарход Ахмаджанович,** 1986 йил 3 октябрда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

53) **Наримова Сахобат Полатовна,** 1970 йил 5 июлда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

54) **Насирова Саодат Кудратуллаевна,** 1973 йил 21 июнда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

55) **Нуринбекова Мухтарам Артикбаевна,** 1964 йил 29 майда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

56) **Нурмухамедова Феруза Хидиралиевна**, 1985 йил 30 июнда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди;

57) **Парпиева Насибахон Мирзораимовна,** 1979 йил 3 декабрда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

58) **Раупов Бабир Ирисбаевич,** 1970 йил 23 октябрда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

59) **Рахмонов Нуъмонжон Неъматилло,** 1994 йил 17 январда Навоий вилоятида туғилган, ўзбек, Навоий вилоятида яшайди;

60) **Руденко Оксана Владимировна,** 1980 йил 3 февралда Россия Федерациясида туғилган, рус, Тошкент шаҳрида яшайди;

61) **Садиков Эркин Джалолидинович,** 1987 йил 13 ноябрда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Қашқадарё вилоятида яшайди;

62) **Сайдакбарова Мукаддас Анарбаевна,** 1965 йил 11 майда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

63) **Сайдуллаев Шахзод Алиханович**, 1983 йил 24 январда Россия Федерациясида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

64) **Салимбаева Гульфара Мирхамидовна,** 1971 йил 13 декабрда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

65) **Скворцова Елена Сергеевна,** 1983 йил 13 июнда Туркманистонда туғилган, рус, Тошкент шаҳрида яшайди;

66) **Таирова Нигора Исмаиловна,** 1992 йил 28 июнда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Сирдарё вилоятида яшайди;

67) **Ташбаева Найма Хурсановна**, 1974 йил 20 сентябрда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

68) **Турдикулова Айжамал Худайназаровна**, 1961 йил 20 майда Қашқадарё вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

69) **Турсинметова Умида Таир кизи**, 1982 йил 26 мартда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

70) **Турсинметова Шоира Таирхан кизи**, 1984 йил 23 мартда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

71) **Умаров Ахад Махамадалиевич,** 1962 йил 23 апрелда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

72) **Умарова Гузал Бахтияровна,** 1987 йил 12 августда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

73) **Уролова Умеда Акпаровна,** 1968 йил 29 майда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Фарғона вилоятида яшайди;

74) **Усманов Алишер Турсунпулатович**, 1988 йил 27 майда Россия Федерациясида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

75) **Усманов Дилшод Хидиралиевич,** 1982 йил 29 апрелда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди;

76) **Усманов Уктам Хидиралиевич**, 1980 йил 9 мартда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди;

77) **Усманов Фарход Хидиралиевич**, 1977 йил 20 майда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди;

78) **Фозилов Аскаржон Рахматилович,** 1972 йил 5 мартда Украинада туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

79) **Хажеев Александр Евгеньевич,** 1989 йил 2 январда Тошкент шаҳрида туғилган, рус, Тошкент шаҳрида яшайди;

80) **Халибаева Фатима Махмудовна,** 1973 йил 7 майда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

81) **Хамракулова Еркиной Турсунбаевна,** 1970 йил 23 апрелда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

82) **Хасанбаева Рузахон Кучкаровна,** 1967 йил 6 декабрда Фарғона вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

83) **Хемдемова Зулмира Хемракулиевна,** 1973 йил 6 февралда Туркманистонда туғилган, туркман, Тошкент шаҳрида яшайди;

84) **Хидралиев Али Абдинабиевич**, 1979 йил 9 майда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

85) **Ходжаев Искандар Январжонович,** 1989 йил 10 августда Андижон вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

86) **Ходжаев Январжон Джахонгирович,** 1957 йил 17 декабрда Андижон вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

87) **Ходжиева Нигора Абдусоликовна**, 1979 йил 18 мартда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

88) **Хушвактова Элеонора Абдувакаюмовна**, 1985 йил 21 июлда Украинада туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

89) **Цой Ольга Викторовна**, 1974 йил 19 апрелда Беларусь Республикасида туғилган, корейс, Тошкент шаҳрида яшайди;

90) **Шадманов Фазлиддин Инамутдинович**, 1971 йил 16 июнда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди;

91) **Шаимкулов Фуркат Шаимкулович**, 1971 йил 22 сентябрда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

92) **Шерметов Махмуд Муратханович**, 1986 йил 28 январда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

93) **Эргашев Халикжан Атаджанович,** 1963 йил 21 майда Фарғона вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

94) **Юлдошова Хабиба Ҳамраевна,** 1971 йил 28 декабрда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Сурхондарё вилоятида яшайди.

2. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари С.И.Самадов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 22 февраль

Ҳаракатлар стратегияси — тараққиёт кафолати

АНИҚ ВА АМАЛИЙ НАТИЖА УЧУН ИШЛАШИМИЗ КЕРАК

Акмал УМАРАЛИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг эртанги куни билан боғлиқ Ҳаракатлар стратегиясида келгуси 5 йилга мўлжалланган устувор йўналишлар белгилаб берилди, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили бўйича Давлат дастури тасдиқланди. Унда давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини кучайтириш, қонун ижодкорлиги сифатини тубдан яхшилаш, сиёсий партиялар ролини, нуфузини ошириш бўйича ҳаётий ғоялар илгари сурилди.

Дастурда миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш, 20 дан ортиқ қонун ва меъёрий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган. Хусусан, «Парламент назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги конституциявий қонунларга ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Регламентига қўшимчалар киритиш белгиланган.

Тегишли қонун лойиҳаларининг ишлаб чиқилиб, қабул қилиниши мамлакатимизда парламент назоратининг янги шаклларини жорий этишга шароит яратади, парламент аъзоларига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ўрганиб, таҳлил қилиш, унинг натижалари бўйича аниқ хулосалар чиқариш ваколатини беради. Шунингдек, ўзгартириш ва қўшимчалар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан назоратини кучайтиришга хизмат қилади. Натижада партия гуруҳлари маҳаллий Кенгашлар сессияларида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалаларини кўриб чиқиш, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботларини эшитиш ҳақидаги таклифларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

◀ *Давоми. Бошланиши 1-бетда.*

Ғуломжон САПАЕВ, Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи:

— Ҳаракатлар стратегиясида янги иш ўринлари яратиш, аҳоли, энг аввало, таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори инфратузилмасини изчил ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Буларнинг барчаси мамлакатимизда ишсизлик даражасини қисқартиришда долзарб аҳамиятга эга масалалар ҳисобланади.

Тўғри, бугунги кунга қадар ҳам аҳолини иш билан таъминлаш бўйича дастурлар қабул қилиниб, муайян ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Бироқ замон олдимизга қўяётган талаблар бу борадаги ишларимизни янада кучайтириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Шундай экан, бандликни таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, коллеж битирувчиларини ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш жараёнларида олий ва маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик бирлашмалари фаол иштирок этишлари зарур.

Бу масалада, айниқса, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиямиз гуруҳлари ташаббускор бўлиши талаб этилади. Айниқса, сессия қарорлари ижроси юзасидан депутатлик назоратини кучайтириш ҳамон долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Эргашали АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши раиси ўринбосари:

— Ҳаракатлар стратегиясида ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Ўтган даврда юртимизда узлуксиз таълим тизими яратилди. Бугун эса бу тизимни янада такомиллаштириш, замон талаблари даражасига кўтариш тақозо этилмоқда. Сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозори эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш принципиал аҳамиятга эгадир. Шунинг учун таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Таълим муассасаларига қатнаш имкониятига эга бўлмаган ногирон болалар учун инклюзив таълимнинг ривожлантирилиши, замонавий касб-ҳунар марказлари ташкил этилиши партиямиз дастурий мақсадларига ҳар томонлама мувофиқдир.

Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА, Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари:

— Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили Давлат дастурида ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларнинг турмуш даражаси ва сифатини ошириш масалалари алоҳида белгилаб қўйилган. Партиямиз дастурида ҳам бу борада бир қатор вазифалар белгиланган. Демак, биз уларнинг ижросини таъминлашда янада фаол бўлишимиз зарур. Учрашувларда пенсионерлар билан очиқ, самимий мулоқот қилиб, уларнинг ҳаётий муаммоларини ҳал этишга кўмаклашишимиз талаб этилади. Зеро, кексалар бахтли бўлса, оила ҳам, жамият ҳам бахтиёр бўлади.

Дастурда кўмакка муҳтож кексалар, имконияти чекланган шахслар билан бир қаторда, «Мурувват», «Саховат» уйларида яшовчилар ҳолидан мунтазам хабар олиш тизимини такомиллаштириш, юртимиздаги тарихий обидалар, зиёратгоҳлар ва муқаддас қадамжоларга бепул саёҳатлар уюштириш масалалари ҳам назарда тутилди.

Бу вазифалар зиммамизга катта масъулият юклайди. Ҳар бир партия ташкилоти ўз ҳудудида ёрдамга муҳтож кишилар, ногиронлар тўғрисидаги аниқ маълумотга эга бўлиши, маҳалла институтлари билан ҳамкорликда уларнинг манфаатлари ҳимоясини кучайтириши лозим.

«Ўзбекистон овози» мухбирлари Гулруҳ ОДАШБОЕВА, Тоштемир ҲУДОЙҚУЛОВ, Шаҳбоз САИДОВ ёзиб олди.

«Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танлови

Танлов аввалида ЎзХДП Марказий Кенгаши сектор мудири Гулшан Асатова, вилоят партия кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Акмал Турсунбоев хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш долзарб масала эканини таъкидлашди ва барчага омад тилашди.

Истиқболли лойиҳалар тақдим этилди

Иштирокчилар биринчи шартда бир-биридан қизиқарли лойиҳаларни тақдим этди. Хусусан, бўш турган бинолардан фойдаланиб, оилавий тадбиркорлик, маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан боғлиқ лойиҳаларда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

— Вилоятимизда 6 минг нафарга яқин хотин-қизлар партиямизга аъзо бўлган, — деди **вилоят партия кенгаши сектор мудири Сабоҳат Зунунова.** — Маҳаллий Кенгашлардаги аёл депутатларимиз эса 30 нафарни ташкил этади. Бу рақамлар хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни, нуфузи ошиб бораётганидан далолат беради. «Фаол аёллар» қаноти олис ҳудудларга етиб боришга, аёллар, уй бекалари билан дилдан суҳбатлашишга ҳаракат қилмоқда.

«Қонунларимиз ҳаётимиз асосидир», «Сиёсий ҳозиржавоблик» шартлари ҳам қизиқарли ўтди.

Якуний натижаларга кўра, **Гулистон шаҳридан Нозима Тўрақулова биринчи ўринни қўлга киритди.**

— Хурсандман, орзуим ушалди, — дейди **танлов ғолиби**. — Катта масъулият билан республика босқичига йўл оламан. Вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишим керак. Демак, билим ва кўникмаларимни янада оширишим зарур.

Танловнинг ғолиб ва совриндорларига диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

◀ *Давоми. Бошланиши 1-бетда.*

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши хоналарни жорий таъмирлаш учун танлов эълон қилади.

Танловда қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар ўз таклифлари ҳамда ҳужжатларини 2017 йилнинг 2 мартига қадар тақдим этиши мумкин.

Манзил: 100029 Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони кўчаси, 5/3-уй.

Телефон: (0-371)239-18-49; 239-83-12; 239-15-74

Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши вилоят «Хилқат телерадиоси» МЧЖ раҳбари, партия фаоли Баҳодир Акмаловга онаси ва фарзанди **МАСТУРАХОН ая ҳамда Бунёдбек**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ҳаракатлар стратегиясида сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ролини ошириш бўйича долзарб масалалар назарда тутилган.

ЖИНОЯТНИНГ ОЛДИНИ ОЛГАН АФЗАЛ

Бир-бирини қўллаб-қувватлаш, эл-улуснинг ташвиш-муаммоларини ҳамжиҳат бўлиб ҳал этиш, тинчлик-осойишталикни қадрлаш азалдан халқимизга хос олижаноб фазилатлардир.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2017 йил 9 февраль куни ички ишлар органлари фаолияти, мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида ҳафтанинг пайшанба кунини жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни, деб эълон қилишни таклиф этиб, шу куни ҳудудлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари маҳаллий телеканалларда чиқишлар қилиб, содир этилган жиноятлар, уларнинг сабаблари, олдини олиш бўйича тадбирлар профилактикаси ҳақида кенг жамоатчиликка ахборот бериши юзасидан долзарб вазифалар қўйилди.

Бундай қарорга келинишининг асосли сабаблари бор, албатта. Президентимиз йиғилишда жиноят қидирув хизматидаги камчиликлар, айниқса, ўғрилик, фирибгарлик билан боғлиқ жиноятларнинг ҳар бештадан биттаси очилмай қолаётгани, ёшлар ва аёллар жиноятчилиги камаймаётганлиги, 2016 йилда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари мингдан зиёд жиноятга қўл ургани, умумий жиноятларнинг олтитасидан биттасини хотин-қизлар содир этгани афсусланарли эканлигини таъкидлади. Шунингдек, тергов идоралари томонидан жиноят ишлари юзасидан қисқа муддатда қонуний қарорлар қабул қилиш имконияти мавжуд бўлса-да, қўшимча суриштирув ва тергов ҳаракатлари талаб этилмайдиган материаллар бўйича асоссиз равишда муддатини узайтириш, фуқароларни сарсон қилиш каби салбий ҳолатлар учраётгани танқид қилинганди.

Йиғилишда жиноятчиликнинг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга бўлган милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш, профилактика инспекторларининг турмуш шароитини яхшилаш, ички ишлар органлари тизимини комплекс ислоҳ қилиш, унинг таркибий тузилмаларини оптималлаштириш масалалари кўриб чиқилиб, ички ишлар вазирлигининг ташкилий тузилмалари танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилинди. Мурожаатлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, фуқаролар билан муносабатларни тубдан қайта кўриб чиқиш, одамлар билан доимий мулоқотни йўлга қўйиш, халқ билан ҳамнафас бўлиб яшаш ва инсон манфаатларидан келиб чиқиб ишлаш лозим, деб таъкидлади йиғилишда давлатимиз раҳбари.

Президентимиз томонидан билдирилган танқидий фикрлар, таклифлар, аввало, вазирликда муҳокама қилиниб, соҳавий хизматлар ва ҳудудий ички ишлар органлари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар муҳокама этилди. Ижросини кечиктириб бўлмайдиган вазифалар аниқлаб олинди.

Жумладан, ҳафтанинг ҳар пайшанба куни профилактика куни, деб эълон қилинганидан келиб чиқиб, Ички ишлар вазирининг 2017 йил 13 февралдаги кўрсатмасига асосан «Профилактика куни» тадбирларини ташкил этиш, ўтказиш даврида амалга ошириладиган ишларнинг тартиби белгилаб берилди.

Мазкур кўрсатмага мувофиқ ҳар ҳафтанинг пайшанба куни «Профилактика куни» деб белгиланиб, икки кун муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимларининг қарорлари асосида ҳудудларнинг демографик жойлашуви, тезкор-криминоген вазиятдан келиб чиққан ҳолда чора-тадбирлар тасдиқланиб, ижрога қаратилиши талаб қилинди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг 16 февраль куни вазирлик раҳбарияти томонидан тасдиқланган жадвал асосида вазирликнинг барча соҳавий хизмат бошлиқлари ва масъул ходимлари Тошкент шаҳар ИИББ ҳамда Тошкент вилояти ИИБнинг шаҳар ва туман бошқармаларига бириктирилди. Улар ҳудудий прокурорлар, «Маҳалла» жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитасининг вакиллари билан ҳамкорликда ҳудудда содир этилган жиноят сабаби ва оқибатлари муҳокамасида иштирок этдилар.

Шунингдек, вазирликнинг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси раҳбар ва масъул ходимлари Сирдарё вилояти туманларида, Ахборот маркази масъул ходимлари Қибрай туманида, Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси, «Қўриқлаш» Республика бирлашмаси ходимлари вилоятнинг Ўрта Чирчиқ, Қибрай, Зангиота, Бўка ва Бекобод туманларида «Профилактика куни» тадбирларида иштирок этдилар. Бу жараён ҳар ҳафтанинг пайшанба куни узвий равишда давом эттирилади.

Жойларда содир этилган жиноятларни муҳокама қилишда асосий эътибор жиноятнинг келиб чиқиш сабаб ва омилларини кўрсатиб беришга, аҳолини ҳушёрликка, огоҳликка чақириш, жиноятчиликка қарши муросасизлик билан ёндашиш масаласига қаратилмоқда.

Жумладан, куни кеча **Андижон** шаҳрида ўтказилган тадбирда ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг сабаблари муҳокама этилди, уларнинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди. Қатор таълим муассасалари ва маҳаллаларда эса йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш масалаларида тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказилди.

Бундай мисолларни барча ҳудудлардан келтириш мумкин.

— Уч юз мингга яқин аҳолиси бўлган **Марғилон** шаҳрида ҳам бундай учрашувлар одамларда катта қизиқиш уйғотмоқда, — дейди **«Нуроний» жамғармаси шаҳар бўлими раиси Т.Нишонов.** — Бундан ташқари, шаҳар прокурори А. Мавлонов ташаббуси билан ташкил этилган сайёр қабулхона ҳам кўплаб ҳамшаҳарларимизнинг муаммолари ҳал этилишига ёрдам бермоқда.

Хоразм вилотида ҳам 16 февраль, пайшанба кунидан бошлаб ҳудудлар прокурорлари ҳамда ички ишлар бошқармалари бошлиқлари тасдиқланган жадвал асосида маҳаллий телеканалларда чиқишлар қилиб, содир этилган жиноятлар, уларнинг келиб чиқиш сабаб ва шароитларини таҳлил қилиб, олиб борилаётган профилактика ишлари ҳақида аҳолига ахборот бериб борилмоқда.

Ҳозир ички ишлар вазирлиги тизимида амалга оширилаётган тадбирлар самарасидан кўриниб турибдики, видеоселектор йиғилишида билдирилган танқидий фикрлар, таклифлар ички ишлар органлари фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, оптималлаштириш, ходимларнинг малакаси ва масъулиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Зикрилла НЕЪМАТОВ,
ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси ОАВ билан алоқа қилиш бўлими бошлиғи, полковник.

Спорт

Жорий йилнинг 30 апрель — 7 май кунлари пойтахтимизда бокс бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтади. Мазкур мусобақада 1977 йилдан 1998 йилгача туғилган спортчилар қатнашиши мумкин. Бу ҳақда olympic.uz сайтида хабар берилди.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА

Тошкент мезбонлик қилади



Хабарингиз бор, пойтахтимиз 2015 йилда ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатига мезбонлик қилганди. Қолаверса, ўтган йили The World Series Boxing (WSB) — Бутунжаҳон бокс серияларининг VI мавсум учрашувлари Тошкентда юқори савияда ташкил этилган эди.

Ушбу Осиё чемпионати жорий йилда Германиянинг Ҳамбург шаҳрида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига саралаш турнири вазифасини ҳам ўтаб беради. Жаҳон чемпионатида Осиё учун 60 та ўрин ажратилган бўлиб, ҳар бир вазн тоифасида 6 тадан энг яхши боксчи иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Шаҳбоз САИДОВ

Реклама ўрнида

Коррупцияга қарши курашиш — долзарб масала

«Агробанк» АТБ томонидан коррупцияга қарши курашиш мавзусида амалий тадбир ўтказилди. Унда банк масъул ходимлари, Бош прокуратура вакиллари ҳамда мутахассислар иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари хизматчилари, шу жумладан, банк ходимлари томонидан порахўрлик, коррупцияга йўл қўйилиши давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий тизимига катта путур етказади. Шахсий манфаат қонун-қоидалардан устун қўйилиши халқнинг норозилигига сабаб бўлади.

— «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун бу хатарли иллатга қарши курашишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлади, — дейди банкнинг юридик хизмати раҳбари Жамшид Саипов. — Коррупция давлат бошқаруви тизимини емиради, давлат ташкилотлари ва давлат хизматчиларига салбий муносабатни вужудга келтиради, ҳокимиятнинг обрўсизланишига сабаб бўлади. Шу боис, мамлакатимизда унга қарши курашиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги ишлар банк томонидан ҳам тизимли тарзда олиб борилаётир. Банк ходимларининг мазкур қонун мазмун-моҳиятидан хабардорлигини ошириш мақсадида бу каби тадбирлар вилоят бошқармалари ва туман филиаллари томонидан ўтказилмоқда.

— Коррупцияга қарши курашишда нафақат мансабдор шахслар, балки фуқаролар ҳам фаоллик кўрсатиши талаб этилади. Уларнинг бу борадаги ҳуқуқий маданиятини ошириш муҳим аҳамиятга эга, — дейди Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси прокурори Худойберди Турсунбеков. — Бугун тадбир иштирокчиларига «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуннинг моҳияти, ҳаётимизни демократлаштиришдаги аҳамияти ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Тадбир давомида коррупцияга қарши курашиш бўйича қилинаётган ишлар, олдинда турган долзарб вазифалар, бу борада банк ходимларининг масъулиятини ошириш масалалари хусусида фикр алмашилди.

Банк матбуот хизмати.

www.agrobank.uz

Реклама

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

- Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- Ямобуры.
- Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент.
Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.
Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Saidkamol XODJAYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 238
17555 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi – 220
t – Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21:15
Topshirilgan vaqti — 23:00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Obiddin MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5